

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДАЗИМОВ АЗИЗЖАН АБДУСАБИРОВИЧ

**XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ
ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ривожланган мамлакатлар таълими тизимида таълим тарихи, жумладан Туркистон халқ таълимининг ташкил этилиши ва фаолият йўналишлари, ўлка аҳолисининг саводхонлик кўрсаткичи, миллат, давлат ва жамият тараққиётидаги аҳамияти масалаларини ўрганиш технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. 2030 йилгача мўлжалланган Юнесконинг Инчхон декларациясида “Таълим – тараққиётнинг асосий ҳаракатланувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фазолият” деб қайд этилган ҳамда белгиланган вазифалар доирасида янги таълим тараққиётига, кучли ва инновацион ҳаракатларга ҳамда таълим тизимини доимий ривожлантириб боришга доир амалий лойиҳаларни татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида халқ таълимининг тизимли ташкил этилиши ва бошқарилиши, мунтазам ва барқарор такомиллаштириб бориш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, мамлакат иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши, ўз ўтмиши ва тарихига ҳолисона ёндаша оладиган, истеъдодли шахсларни тарбиялаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Туркистон ўлкасида таълим-тарбия ишларининг ташкил этилишида шарқ мутафаккирлари ва маърифатпарварларининг халқ фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган илғор педагогик ғоялари, педагогика тарихини ҳолисона ўрганиш асосида аждодлар томонидан билдирилган фикр ва педагогик ғояларни ўрганиш ҳамда XX аср бошларида Туркистонда таълим-тарбия тизимини шакллантиришнинг педагогик жиҳатлари имониятларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда Шарқ мутафаккирларининг ғоялари асосида таълим тизимини такомиллаштириб бориш, қадимий ёзма манбаларни сақлаш, ёшларга оид давлат сиёсатини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилмоқда. “Қадриятларимизни, маънавий-ахлоқий, фалсафий ҳамда педагогик меросимизни, халқ таълимининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини асл манбалардан ўрганиш, педагогика назарияси ва тарихи кўламини объектив маълумотлар асосида бойитиш” устувор вазифлар этиб белгиланди¹. Натижада педагогик таълимотлар тарихига оид тадқиқотларда ўрганилаётган давр мактабларидаги педагогик шарт-шароитлар, мударрислар фаолияти, мадрасалардаги таълимнинг ташкил этилиши ва бошқарилиши шакллари, дидактик тамойилларга амал қилиниши, отин-ойилар мактаблари, хотин-қизлар таълимининг ташкил этилиши каби масалаларни илмий ўрганишга замиён яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Т., 2017. 6-сон.

Харакатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, 2017 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX аср Туркистон ўлкасидаги таълим-тарбиянинг педагогик жиҳатларига доир ишларни олимлар У.Алеуов, Д.Джуроев, А.Зуннуов, А.Қ.Мунавваров, А.Тожибоев, Н.Мустафаева, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Т.Утебаев, Б.Ходжаев, К.Ҳошимов, М.Қуроно, М.Ҳақимова, Н.Эгамбердиева, Э.Юсупов, Ж.Ҳасанбоев, Н.Эркабоевалар томонидан тадқиқ этилган.

Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-педагогик фикрлар ривожининг ўзига хос жиҳатлари Д.Василев, Б.Ходжакулиева, В.Соколов, М.Шушкова, М.Куделя-Одабашьян, О.Сумаракова, С.Граменицкийнинг тадқиқотларида очиб берилган.

Инсонпарварлик, маданий диалог, реформаторлик педагогикасининг ривожининг етакчи тенденциялари Adeeb Khalid, Sh. Akiner, John F.Trow, Marianne Kamp, Sartori Paolo, Shoshana Keller, William Fiermanлар томонидан тадқиқ этилган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот режасининг ПЗ-20170923121 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади XX аср бошларида Туркистонда таълим-тарбия тизимини шакллантиришнинг педагогик жиҳатларини таълим жараёнига татбиқ этишга доир тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XX аср бошларида Туркистонда таълим мазмуни ва уни бошқариш, ижтимоий омилларнинг тарихий жиҳатларини таҳлил этиш;

XX аср бошларида Туркистонда таълим тизими ташкил этилишининг тизимли-структуравий этнопедагогик, акмеологик мезонларини аниқлаш;

XX аср бошларида Туркистондаги мавжуд таълим тизими моделининг мазмунини, таълим тизимида консерватив ва ҳур ғоялар кураши, педагогик фаолиятнинг менталлигини аниқлаш;

XX аср бошларида Туркистонда маҳаллий халқнинг таълим олиш имкониятлари қисқартирилиши, аҳоли онгига тобелик тарбиясининг сингдириб борилишини динамик-мантикий ёндашув асосида аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX аср бошларида Туркистонда таълим-тарбия тизимини шакллантиришнинг педагогик жиҳатлари жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Навоий давлат педагогика институти ва Жиззах давлат педагогика институтларининг 372 нафар респондент-талабалари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предметини XX аср бошларида Туркистондаги таълим-тарбия тизимини шакллантиришнинг педагогик жиҳатларини ўрганишнинг ўрганиш шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ўрганилаётган муаммонинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келувчи илмий-методик манбаларни, архив ҳужжатларини ўрганиш, умумлаштириш, киёслаш, кузатиш, сўровнома, тест синовлари, математик-статистик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX аср бошларида Туркистонда таълим тизими ҳолати, таълимни бошқариш ва мазмунини шакллантиришдаги бошқа миллат ва халқлардан устуворликка эришишга қаратилган ғоявий курашлар, таълим устуворлигидаги қарама-қарши ички ва ташқи тенденциялар билан бевосита боғлиқ эканлиги тарихийлик ва холислик параметрларига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

Туркистонда таълим тизимининг ташкил этилиши тизимли-ташкилый этнопедагогик, компаративистик, антропологик, акмеологик мезонлар, ижтимоий-маданий ҳодисаларнинг диалектик табиий-тарихий оқибатлари, реал тарихий шароитларнинг ўзаро ҳаётий-витаген таъсири жараёнида тажрибавий-оқибатли характерга эга эканлиги аниқлаштирилган;

XX аср бошларида Туркистонда таълим тизими моделининг мазмуни консерватив ва ҳур ғоялар кураши, педагогик фаолиятнинг менталлигини сақлаш учун эмоционал-қардриятли ҳаракат, маҳаллий аҳоли саводхонлик даражасини ошириш борасидаги маҳаллий маърифатпарварларнинг ривожлантирувчи миллий кадриятларга хос педагогик саъий ҳаракатларини прогрессив синхронлаштириш асосида аниқлаштирилган;

Туркистонда таълим тизими мазмуни даврнинг тарихий-хронологик шарт-шароитлари, маҳаллий халқлар таълим олиш имкониятларининг мажбурий қисқартирилиши, маҳаллий аҳоли онгига тобелик тарбиясининг сингдириб борилиши, аждодларимиз томонидан яратилган педагогик таълимотларни ҳаққоний ўрганишга имкон бермаганлиги назарий-эмпирик жиҳатдан аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

XX аср бошларида Туркистонда таълим тизимининг ривожланишини ўрганиш жараёнларини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

тизимли-структуравий ёндашув асосида XX аср бошларида Туркистонда таълим тизимининг асосий йўналишлари яратилган “Жаҳон тарихи” дарслиги мазмунига сингдирилган;

XX аср бошларида Туркистонда таълим тизими ривожини ўрганишга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чор Россияси ҳамда шўро мустамлақаси давридаги халқ таълими соҳасидаги сиёсат ва унинг оқибатлари, маънавий ва маданий ҳаётда янги ғояларнинг шаклланиши, халқ таълимида таълим-тарбия ишларининг ташкил этилиши, мусулмон ўқитувчилар институтининг ташкил этилиши ва таълим мазмуни, ўзбек халқ институтининг ташкил топиши ва унинг фаолияти, қозоқ, татар ва туркман маориф институтларининг ташкил этилиши ва уларда таълим-тарбия ишлари йўлга қўйилишининг илмий-назарий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тизимли-структур ёндашув асосида экспериментал фаолият негизида таълим тизими ривожининг этнопедагогик, компаративистик, антропологик, акмеологик, андрагогик жиҳатлари историографиянинг ворисийлик, объективлик, амалий йўналтирилган тенденцияларига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилганлиги, XX аср бошларида Туркистонда таълим тизими ривожининг компаративистик моделининг такомиллаштирилганлиги, таълим тизими ривожини ўрганишда матн билан ишлаш, қиёсий-тарихий, герменевтик таҳлил усулларини интерфаол ва рақамли технологиялар билан идентифицини таъминлаш йўллариининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX аср бошларида Туркистонда таълим-тарбия тизимини шакллантиришнинг педагогик жиҳатларига доир тадқиқот натижалари асосида:

XX аср бошларида Туркистонда таълим тизими ҳолати таълимни бошқариш ва мазмунини шакллантиришдаги бошқа миллат ва халқлардан устуворликка эришишга қаратилган ғоявий курашлар, таълим устуворлигидаги қарама-қарши ички ва ташқи тенденциялар билан бевосита боғлиқ эканлиги тарихийлик ва ҳолислик параметрларига устуворлик бериш асосида аниқлаштиришга оид тавсиялар асосида “Жаҳон тарихи” дарслиги ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 13 мартдаги 83-сонли буйруғи асосида берилган 82-102-рақамли нашр руҳсатномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг тарихий, ижтимоий-маданий

компетенцияларини ривожлантириш имкони оширилган;

XX аср бошларида Туркистонда таълим тизимининг ташкил этилиши тизимли-ташкилий этнопедагогик, компаративистик, антропологик, акмеологик мезонлар, ижтимоий-маданий ҳодисаларнинг диалектик табиий-тарихий оқибатлари, реал тарихий шароитларнинг ўзаро ҳаётий-витаген таъсири жараёнида тажрибавий-оқибатли характерга эга эканлигини аниқлаштиришга оид таклифлардан ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 30 декабрдаги 02-07-4270/04-рақамли далолатномаси). Натижада, талабаларнинг тарихий билимларини ўзлаштириш самарадорлигини аниқлаш мезонларини такомиллаштиришга эришилган;

XX аср бошларида Туркистонда таълим тизими моделининг мазмуни консерватив ва хур ғоялар кураши, педагогик фаолиятнинг менталлигини сақлаш учун эмоционал-қадриятли ҳаракат, маҳаллий аҳоли саводхонлик даражасини ошириш борасидаги маҳаллий маърифатпарварларнинг ривожлантирувчи миллий қадриятларга хос педагогик сазйи ҳаракатларини прогрессив синхронлаштириш асосида аниқлаштиришга оид таклифлардан КА-1-003 рақамли “Ёшларда Ватанпарварлик дунёқарашини шакллантиришнинг илмий-педагогик технологиялари ягона тизимини ишлаб чиқиш” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 30 декабрдаги 02-07-4270/04-рақамли далолатномаси). Натижада, талабаларнинг Туркистонда таълим тизими ривожига доир ўқув материалларини ўзлаштириш самарадорлигини оширишга эришилган;

Туркистонда таълим тизими мазмуни даврнинг тарихий-хронологик шарт-шароитлари, маҳаллий халқлар таълим олиш имкониятларининг мажбурий қисқартирилиши, маҳаллий аҳоли онгига тобелик тарбиясининг сингдириб борилиши аждоқларимиз томонидан яратилган педагогик таълимотларни ҳаққоний ўрганишга имкон бермаганлигини назарий-эмпирик жиҳатдан аниқлаштиришга оид маълумотлар асосида “Жаҳон тарихи” дарслиги ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 13 мартдаги 83-сонли буйруғи асосида берилган 82-102-рақамли нашр рухсатномаси). Натижада, Туркистонда таълим-тарбия тизими ривожининг ижтимоий-маданий педагогик шарт-шароитларини ёритиб беришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб,

хулоса, 123 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган; фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган; тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган; тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“XX аср бошларида Туркистонда таълим-тарбия тизими шаклланишининг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида мустамлака даври халқ таълими соҳасидаги сиёсат ва унинг оқибатлари, маънавий ва маданий ҳаётда янги ғояларнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар, халқ таълимида таълим-тарбия ишларини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари ҳамда муаммонинг назария ва амалиётдаги ҳолати баён этилган.

XX аср бошларида Туркистон заминида бўлиб ўтган воқеалар таҳлили халқнинг маърифатли бўлиш масаласи минтақа зиёлиларининг диққат марказида бўлганлигини кўрсатди. Чунки, барча давларда ҳам ёш-авлод тарбияси унинг келажаги ҳар қандай миллатнинг эътиборидан четда қолдирилмаган. Хусусан, Чор Россияси XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон ўлкасидаги ишғол қилинган ҳудудларда маҳаллий халқларни итоатда тутиб туриш ва мустамлакачилик тизимини қарор топтиришда асосан халқ таълими ва миллат тарбияси устидан назоратни қўлга олишга катта эътибор бердилар. Мустамлакачи халқлар ўлка таълим тизимини издан чиқаришда аввало мафкуравий сиёсатдан кенг фойдаланганликлари “ўзини оқлаганлигини” таъкидлаб ўтишимиз лозим. Ҳақиқатдан ҳам, ҳар бир жамиятнинг бугуни, эртаси ва келажаги ёшлар таълимининг долзарб аҳамият касб этиши билан боғлиқ.

Диссертацияда инсоният тарихида катта ижодий мерос қолдирган буюк мутаффақирларни тарбиялаган бу миллатнинг ҳаётидаги муаммолари таҳлил қилиниб, XX аср бошларига келиб маънавий юксалиш учун катта эҳтиёж сезилганлиги кўрсатиб берилган. Энг аввало бу жараён хонликларда таълим-тарбия масалаларида ривожланишнинг сусайиши билан боғлиқдир. Уларнинг ўзаро урушлар олиб бориши, ички зиддиятлари натижасида қишлоқларда мактаб ва мадрасалар фаолияти издан чиққан эди. Тадқиқотда Туркистон ўлкасида таълим тизимининг ва у орқали жамият ривожланишига ўз таъсирини кўрсатган мутаффақирлар фаолияти кенг ёритилган.

Туркистон ўлкасида таълим тизимини Чор Россияси манфаатларига хизмат қилдириш учун биринчи навбатда Туркистон генерал-губернатори

К.П.Кауфман шахсан ўзи жуда катта таъсир ўтказди. Чунки у халқнинг илм-маърифатга ўргатадиган, таълим-тарбия масканлари ҳисобланган “мадрасаларни” ёқтирмас эди. Шу сабабли маҳаллий зиёлилар томонидан таклиф қилинган таълим тизимини ислоҳ қилиш режасига ҳам ўзи кўп ўзгартиришлар киритган. XIX-асрнинг 80-йиллари бошларида Туркистон ўлкасида аҳолини илм-маърифатли қилиш масалалари иккинчи даражали муаммога айланди. Шу даврда ўлка аҳолиси ичидан халқнинг илм-маърифатли бўлишида маърифатпарвар олимлар ўз педагогик қарашларини аҳолига тарғиб қила бошлади. Диссертацияда Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Хакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Сулаймон ўгли Чўлпон, Машриқ Юнус ўгли Элбеклар халқни илм-маърифатли қилишдаги ташаббуслари таҳлил қилинган.

XX аср жамият тараққиётида таълим ва фан масалалари мазмуни мамлакатимиз олимларидан А.Зуннунов, М.Очиловлар таълим ва тарбияга оид ўз қарашларида ёритиб ўтилган. Асқар Зуннунов педагогик қарашларида халқимизнинг таълим-тарбия масалаларига оид меъросини таълиқ қилиб, таълимда ўқувчиларнинг ҳам тенг ҳуқуқли иштирокчи бўлиши, бадий адабиётни ўқитишда унинг ўзига хос хусусиятларига эътибор бериш, ўқувчиларда ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларни шахс сифатида шакллантириш ғояларини илгари сурганлиги ифодланган.

М.Очилов ўз қарашларида ўқитувчи шаъни, одоб ва ахлоқи ҳақидаги ғояларида инсонни шаъни – юксак фазилат эканлигини исботлаган. Инсон шаънининг юксаклиги унинг ўз-ўзига, атрофидагиларга, жамиятнинг унга бўлган муносабати орқали ёрқин сезилади. М.Очилов ўқитувчиларнинг ахлоқий қиёфаси, ибрат-намунаси болага ҳар қандай насихатдан кўра кучлироқ таъсир этишини таъкидлайди. Ўқитувчининг меҳнати, ижобий хатти-ҳаракатларини кўрган ўқувчи унга эргашади. Кимки ўзига нимани раво кўрса, бошқалардан ҳам ўшани талаб этиши ахлоқий таъсир ўтказишнинг самарали усули эканлигининг педагогик жиҳатларини кўрсатиб берган.

М.Е.Шушкова XX аср бошларида Туркистонга кўчириб келтирилган руслар учун мактаблар барпо этиш, рус-тузем мактабларини ташкил этиш орқали таълим тизимини руслаштириш ва мактаблардан ислом таълимоти билан боғлиқ фанларни чиқариб ташлаш ҳамда Туркистон маърифатпарварлари педагогик қарашларини чеклаш мақсадида мафкуравий таъсир чораларни кучайтириш ҳолатларини ёритиб берган.


Республикамиз олий таълим муассасаларида “Умумий педагогика” фани педагогик тафаккур тарихига оид билимларни ривожлантирувчи ижтимоий-демократик муҳит орқали жамиятда бўлаётган ўзгаришлар ҳамда мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантиришнинг тарихий тараққиёт йўлидаги демократик ислохотлардан талабаларнинг хабардорлиги ҳам таълим ва фан соҳасидаги ташаббусларда талабалар иштирокини таъминлаш орқали ривожлантиришни кўзда тутди.

XX аср бошларида Туркистонда таълим-тарбия тизимини шакллантиришнинг педагогик жиҳатлари ва ёшлар тарбияси масалаларига мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотлар жараёнида мазкур муаммонинг

турли жиҳатлари педагог, психолог ва сиёсатшунос олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилганлиги аниқланди.

XX аср Туркистон ўлкаси аҳолисининг мақсади халқни маърифатли қилишда бир кишининг фикрини таҳлил қилиш эмас, балки мустамлакачилар халқ онига ғоявий таъсир қилиш сиёсатининг амалга оша бошлаганлигини кўрсатишдан далолат бера бошлайди. Шу давр талабларига мувофиқ фақат рус тилини биладиган кишиларгина давлат ва сиёсий ишларда бирор бир мансабга эришиши мумкин. Демак, худди ўз вақтида инглизлар, французлар ўз мустамлакаларида амалга оширган сиёсатни Туркистон ўлкасидаги мустамлакачилар ҳам фойдаланганлар.

Хусусан, таълим-тарбия беришда аввало ёш авлоднинг қизиқиши энг муҳим омиллардан бири сифатида қаралади. Чунки, бола тарбиясида, ота-она фарзанд бурчи масаласига тўхталар эканмиз, Туркистон ўлкасида XX аср бошларида маърифатпарвар олимлардан ўз ғоя ва қарашларида шарқ мутафаккирларининг фикрларидан фойдаланишни афзал билганлар (1-расмга қаранг).



1-расм. Оилада тарбиявий муҳитни шакллантиришда Туркистон мутафаккирлар қарашлари

XIX аср охири XX аср бошларида ўлка зиёлилари томонидан Туркистонда янги усул ёки жадид мактабларининг вужудга келиши илгари сурила бошлади. Шу даврда, минтақа зиёлиларидан Махмудхўжа Бехбудий ўз маърифатпарварлик фаолиятида мактаб очиб, дарслик ва ўқув қўлланмаларини ёзиш билангина шуғулланиб қолмай, Туркистон ўлкасининг йирик жамоат арбобларидан бири сифатида ўқувчиларга билим бериш билан ҳам шуғулланиб келган. Ўқувчилар қадим мактабларда тўрт-беш йил сабоқ олганларига қарамай хат ёзиш малакасини ўзлаштира олмаганликлари сабабли уларга хат ёзиш шартлари, хат ёзиш маҳорати тўғрисида тасаввур бериб, хат турларига мисоллар келтириш асносида таълим тарбия бериш билан шуғулланиш фаолиятига доир масалалар ёритилган.

Диссертацияда XX аср бошларида Туркистонда таълим ва тарбия тизими шаклланишининг педагогик жиҳатлари мустамлака тизимига мос ташкил этилганлиги ва маҳаллий халқларнинг саводхонлик даражасини ошириш

йўлидаги ғоявий-педагогик қарашлар ўртасидаги кураш жараёнида ҳурфиқр ғояларнинг ривожланишига сунъий тўсиқлар қўйилганлиги тарихий-педагогик жиҳатдан аниқланган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**XX асрда Туркистонда маҳаллий аҳоли учун педагог кадрлар тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари**” деб номланиб, унда XX аср Туркистонда мусулмон ўқитувчилар институтини ташкил этиш хусусиятлари, XX аср бошларида Туркистон таълим тизими моделининг мазмуни, қозоқ, татар, ўзбек ва туркман маориф институтларида таълим-тарбия мазмунининг педагогик шарт-шароитлари ёритиб берилган.


Инсоният тарихи тараққиётида аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, уларни илм-маърифатли қилиш долзарб вазифа сифатида илгари сурилган. Хар бир халқ ўз равнақи учун ўзи кураш олиб бормаса, ташқаридан ҳеч ким тараққиётга кафил бўлмаслиги барча даврларда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ташқаридан келган кучлар ўзларининг ҳуқумронликларини узоққа чўзиши учун маҳаллий халқларни моддий ва маънавий қашшоқ ҳолатда ушлаб туришга ҳаракат қилишлари табиийдир.

Жумладан, Туркистон ўлкасида XX аср бошларида мустамлакачилик ғояларини тарғиб қилишга интилиб яшаётган мустамлакачилар маҳаллий халқ саводхонлигини, паст бўлиши тарафдори эдилар. Улар турли йўллар билан Туркистон халқларини саводсизликда айблаб араб ёзуви ва маданиятини эскирган, замон талабларига жавоб бермайди деб, ўлкада ўзларини ислохотчилик ролини оширишга ҳаракат қилдилар. Ҳатто бизнинг саводхонлик даражамизни кўтариш учун “4600 йил керак бўлади” деган ҳақиқатга мутлоқо турғи келмайдиган, асоссиз маълумотлар билан камситишга ҳаракат қилиб келиб ўз ташаббусини кўтариб чиқдилар. Бу сиёсатга қарши маҳаллий зиёлиларимиз ўз она тилида ўқиш имкониятига эга бўлган мактаблар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилдилар. Лекин бу масалани ҳал қилишда кўп муаммоларга дуч келдилар. Энг асосий муаммо ўз она тилида дарс бериш имконияти бўлган ўқитувчиларни топиш эди. 1917 йилгача мавжуд бўлган Туркистон ўқитувчилар семинариясида асосан европа миллатига мансуб бўлган болалар таҳсил олар эди. Фақатгина рус тилини биладиган туб жой миллат болалари семинарияга ўқишга қабул қилинганлар. Лекин уларнинг ёрдами билангина ўлкада ўқитувчилар тайёрлаш масаласини ҳал қилиш мумкин эмас эди. Ана шу эктиёждан келиб чиқиб, маҳаллий зиёлилар Тошкентда ҳам ўқитувчилар тайёрлайдиган олий муассаса очиш масаласида амалга оширган ташкилий ва педагогик фаолиятлари ёритилган.

Хусусан, 1920 йилга келиб мусулмон ўқитувчилари институти асосида маориф институтлари ташкил топиши Туркистон ўлкасида ўқитувчилар тайёрлашнинг педагогик механизми яратилиши билан муҳим аҳамият касб этади (2-расмга қаранг).

Хотин-қизлар таълими ва маърифати масаласи доимо мусулмонлар орасида муаммоли масала бўлиб келганлиги ўша даврда ҳам алоҳида вазифа сифатида ажралиб турган. Айниқса, ислом динининг реакцион доиралари аёлларнинг таълим олишини ижобий баҳоламаганлар. Лекин биз ислом динининг асосларини ўрганадиган бўлсак анча инсоний белгиларнинг устувор

эканлиги барча даврларда алоҳида аҳамият касб этиши назарда тутилган. Жумладан, ёш авлод тарбиясида педагоглар ҳам муҳим ўрин тутди. Педагогика фанида ёш авлод тарбиясига эътибор ва индивидуал ёндашув асосида тарбиялашда таълим ва тарбия жараёни амалий долзарб вазибаларни ечишда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараён тенденцияларини таҳлил қилишда педагоглар ва жамоат арбобларининг олиб борган тадқиқот ишлари ҳам ўз аҳамиятини касб этади.



2-расм. XX аср бошларида Туркистон ўлкасида мусулмон ўқитувчилар институтини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари

Б.Х.Ходжаев ўз тадқиқотларида таълимда шахснинг муносабатли ёндашувини “таълимнинг учта анъанавий элементи бўлган билим, кўникма ва малакага яна учта унсурлар: амалий фаолият тажрибаси, компетенция, компетентлик”нинг илгари сурилиши каби масалалари билан боғлаш бўйича вазибалар ҳақида тўхталиб ўтган. Д.Джуроев илмий ишида Туркистон таълим тизимига оид масалаларни таҳлил этар экан: у “Рус-маҳаллий мактабларининг ўзбек гуруҳларида таълим-тарбия худди анъанавий мактаблардаги каби ибтидоий шароитга эга бўлиб, рус синфларида сабоқ олгач, ўқувчилар кўшни хонага – ўзбек синфи ўқитувчиси ихтиёрига ўтар эдилар. Ўзбек ўқитувчиси маҳаллий, анъанавий мактабда ўқитиладиган ҳамма фанлардан дарс берар эди. Ҳеч қандай дарслик, ўқув жиҳозлари, ўқув қўлланма йўқ, дарс эски усулда арабча диний матнларни қуруқ ёдлаш асосида олиб борилар эди”, - деб ўша давр таълим ва тарбия соҳасидаги ишларни ифодлаб ўтган.

XX аср бошларида Туркистон ўлкасида маҳаллий халқ вакилларини илмли, маърифатли қилишга рус миссонерлари жуда катта қаршилиқ кўрсатдилар. Улар “ҳали Туркистон ўлкасида олий таълимда дарс берадиган илмли кишилар мавжуд эмас” деган ғояларни илгари сурдилар. Лекин бунинг акси ўлароқ, маҳаллий халқ маърифатпарварлари моддий ва ақлий

имкониятларини сафарбар қилган ҳолда, миллат вакилларини саводли қилиш йўлида жонбозлик кўрсатганлар. Диссертацияда миллий зиёлиларимизнинг таълимнинг барча bosқичларида ўқув жараёнининг дидактик таъминотини ошириш ва ўқиш усулларини такомиллаштириш бўйича эришган амалий натижалари ёритиб берилган. (3-расмга қаранг).

XX аср Туркистон ўлкасида таълим ва тарбия масаласи ривожланишининг педагогик шарт-шароитларини, таълимни ривожлантириш ўлка аҳолисида таълимнинг педагогик субъект сифатида қарашнинг учта асосий ҳолида орқали педагогик муносабатни алоҳида ўзгартириш зарурати туғилишига олиб келган

Ўлка аҳолисида шахсий таълимий сифатларни шакллантиришнинг олдиндан аниқланганлиги (ҳар бир мактаб ўқувчисида ўз таълим муносабатини инсоннинг қатъий прогностлаш ва мактаб ўқув фаолиятини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва бошқариш тизимидан воз кечиш) каби вазибаларни илгари суриш

Аҳолида шахсий миллий кадрларни диний ва дунёвий таълимни ташкил этиш bosқичларини таҳлил этиш

Ўлка аҳолисида таълимни ўзлаштиришда ўқувчи-ёшларнинг шахсий индивидуал имкониятларини муҳимлиги (ўқувчиларнинг алоҳида, фақат унга хос бўлган сифатларга ва ўз ривожланишининг шахсий индивидуал ўзига хос имкониятларига эга бўлган бошқа шахс сифатида қабул қилишга тайёрлик) каби хусусиятлар муҳим аҳият касб этиши билан ажралиб туради

3-расм. XX аср Туркистон ўлкасида таълим ва тарбия масаласи ривожланишинининг педагогик шарт-шароитлари

Бу даврда ҳали ҳам мустамлакачилик сиёсатини давом эттиришни хоҳлаган шахслар мазкур институтга Туркистон ўлкасининг машҳур намоёндалари тўғрилишидан хавфсирадидлар ва “келажакда бу ташкил этилаётган жамоа миллатчилар уясига” айланиб қолмасмикан деган саволлар билан ўзларини қийнаб мунозаралар уюштирдилар ҳамда Халқ маориф комиссарлигига институт фаолиятини қаттиқ назорат қилишни таклиф қилдилар.

Жаҳон педагогик таълим ва фан амалиётида олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда таълим жараёни модели ҳамда таълим фаолиятини моделлаштириш бўйича турли илмий тасаввурларда ўз фикр ва мулоҳазаларини қуйдагича таъкидлаб ўтган. Модель тушунчаси фан тармоғининг кўпгина соҳаларида қўлланилиб, олимлар ўз илмий тадқиқот ишларида ушбу масалани ўрганишга бағишлаган.

Жумладан, олиб борилаётган тадқиқотлар доирасида моделлаштириш жараёни, ҳодиса ва объектлар тизимининг моделларини ишлаб чиқиш ва ўрганиш орқали тадқиқ этиш каби жиҳатларда намоён бўлади. Таълим жараёнида модели ўрганилаётган объект (ёки ҳодиса) бўлиб, мазкур объект элементлари ўртасида структура хусусиятларининг ўзаро алоқалар ва

муносабатлар тизимини соддалаштирилган кўринишни ифодалайдиган тизим, схема, физик конструкция, белгили шакллар ёки формулалар кўринишида сунъий яратилган объект сифатида изоҳланади.

Педагогик тадқиқотлар доирасида таълим фаолиятини моделлаштиришда моделнинг амалий қиммати, асосан, таълим объектининг ўрганилаётган томонларига нисбатан унинг адекватлиги, шунингдек, моделини куриш босқичларида моделлаштириш жиҳатларининг асосий тамойиллари (кўргазмалилик, аниқлик, объективлик) тўғри танланганини инобатга олган ҳолда жараён босқичлари ташкил этилади.

Диссертацияда XX аср бошларида Туркистонда таълим-тарбия тизимини шакллантиришнинг педагогик жиҳатларини ўқитиш тузилмавий-ташкилий моделида ифодаланган педагогик шарт – шароитлар ва жараён босқичларини аниқлаштириш компонентлари берилган. Улар:


XX аср бошларида Туркистонда таълим-тарбия тизимини шакллантиришнинг педагогик жиҳатларига оид билимларни эришилган даражасининг ташхисини ўтказиш; таълим тарбия тизимини шакллантиришнинг педагогик жиҳатларини ўқитиш модели сифатида ўқув жараёнини лойиҳалаш; ўқув жараёни машғулотларини ташкил этишда “Қарама-қарши муносабат” ва “Моделлаштириш” методларидан машғулот жараёни боришининг лойиҳалаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш орқали ўз имкониятини ривожлантириш.

Тадқиқот иши давомида ишлаб чиқилган моделда таълим олаётган талабаларнинг XX аср бошларида Туркистонда таълим-тарбия тизимини шакллантиришнинг педагогик жиҳатларини ўрганган ҳолда ўзларининг ўзаро мулоқотга кириша олиш, ўзини-ўзи ривожлантиришда педагогик фикрлар тарихи ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлиши орқали тажриба-синов жараёнида шахсий масъулиятини намоён этиши кўрсатиб берилган (4-расмга қarang).

Диссертацияда юқори (тарихий тафаккури ривожланган, мустамлакачилик даврига оид фикр ва мулоҳазаларни ўзи бидира олади), ўрта (тарихий таҳлил қила олади, хулоса чиқаради ва муносабат билдира олади) ва қуйи (тарихий таҳлил қилиш, тушуниш, хулоса чиқара олишга оид билимларга эга бўлади) ҳосил қилинган даражали сифатлар иерархияси талабанинг Туркистонда мустамлакачилик даврида педагогик ғоялар ва фикрлари аниқлаштириш имконияти кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба синов ишларини ташкил этиш”** деб номланган учинчи бобида ўтказилган тажриба-синов ишларининг ташкил қилиниши ва натижалари баён қилинган. Талабаларда Туркистонда таълим-тарбия тизимини шакллантириш юзасидан ўтказилган тадқиқот иши қуйидагилардан иборат: изланувчи-таъкидловчи тажриба-синов ишлари, шакллантирувчи тажриба-синов ишлари ва якуний баҳолаш тажриба-синов ишлари.

Тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Навоий давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институтларининг 372 нафар респондент-талабалар жалб қилинди. Сўровнома



4-расм. XX аср бошларида Туркистонда таълим-тарбия тизimini шакллантиришнинг педагогик жиҳатларини ўқитишнинг тузилмавий – ташкилий модели

ва анкета саволларига олинган натижалар қуйидаги кўринишда умумлаштирилди.

Тажриба-синов ишлари (юқори, ўрта, қуйи) мезонлар бўйича талабаларда ХХ аср бошларида Туркистонда таълим-тарбия тизимини шакллантиришнинг педагогик жиҳатларига оид билимларининг шаклланганлик даражасини аниқлашга имкон берди.

Тадқиқот жараёнида талабаларда ХХ аср бошларида Туркистонда таълим-тарбия тизимини шакллантиришнинг педагогик жиҳатларига оид билимларининг шаклланганлик даражасини баҳоловчи эмпирик таҳлилини батафсил ёритишнинг мақсадга мувофиқлиги аён бўлди. Талабаларнинг анкета саволларига жавобларини ва берилган топшириқларни бажарилишини баҳолашда “5”, “4”, “3” баҳолаш туридан фойдаланилди. Уларнинг натижалари бўйича мос равишда “юқори”, “ўрта”, “қуйи” даражаларга мослаштирилди.

Тажриба-синов ишларининг олинган натижаларига кўра статистик ҳисоб Тажриба-синов натижаларини статистик қайта ишлаш кўрсатадики, тажриба ва назорат гуруҳларидаги талабаларнинг билим даражаси тажриба бошидаги дастлабки натижаларга кўра бир хил бўлиб, H_0 (бошланғич) фараз рад этилишига асос йўқ, яъни H_0 фаразга кўра $x > y$ шарт бажарилмаслигига олиб келади. Шунингдек, олинган натижалардан тажриба-синов ишлари бошида ўтказилган саволномалар ва топшириқларнинг натижаларига кўра, ўқитиш самарадорлигининг баҳолаш кўрсаткичи бирдан кичик ($K_{yco} < 1$) ва билиш даражасининг баҳолаш кўрсаткичи нолга тенг ёки кичиклигини ($K_{soo} < 0$) кўриш мумкин. Бундан англаш мумкинки, тажриба гуруҳлари кўрсаткичлари назорат гуруҳлари кўрсаткичларидан фарқ қилмас экан.


Тажриба якунидаги натижаларда тажриба ва назорат гуруҳларидаги талабаларнинг билим даражаси турлича бўлиб, H_0 (бошланғич) фараз рад этилади, яъни H_1 фаразга кўра $x > y$ шарт бажарилишига олиб келади. Шунингдек, олинган натижалардан тажриба-синов ишлари якунида ўтказилган саволномалар ва топшириқларнинг натижаларига кўра танланган статистик қийматнинг критик қийматдан катталиги, ишонч оралиқлари бир-бири билан кесишмаслиги, ўқитиш самарадорлигининг баҳолаш кўрсаткичи бирдан катталиги ($K_{yco} > 1$) ва билиш даражасининг баҳолаш кўрсаткичи нолдан катталигини ($K_{soo} > 0$) кўриш мумкин. Бундан англаш мумкинки, тажриба гуруҳлари кўрсаткичлари назорат гуруҳлари кўрсаткичларидан фарқ қилиб, самарадорлик кўрсаткичлари 1,15 бараварга юқорилиги статистик усуллар билан исботланди.

Ушбу натижаларни қуйидаги график кўринишдаги диаграммада ифодалаймиз (5-расмга қаранг).

Демак, $\alpha = 0,05$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба якунида талабаларнинг ХХ аср бошларида Туркистонда таълим-тарбия тизимини шакллантириш даражаси тажриба гуруҳларида назорат гуруҳларига нисбатан юқори.

Тажриба-синов ишларига оид гистограмма, диаграмма ва жадвал маълумотларидан кўринадик, тажриба-синов якунида ўтказилган анкета

саволларига жавоб беришда тажриба ва назорат гуруҳларидаги натижаларда фарқ мавжуд бўлиб, статистик мезоннинг тўғри қабул қилиниши, ишонч оралиғининг бир-бири билан устма-уст тушмаслиги самарадорлик мавжудлигини кўрсатиб, таъкидловчи тажриба даврида тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасида қайд этилган миқдор кўрсаткичлар асосида талабаларда XX аср Туркистон таълим тизимини шакллантиришнинг педагогик жиҳатларига оид



5-расм. Топшириқларнинг самарадорлик кўрсаткичлари

билимлар даражаси бўйича гуруҳлар ўртасидаги фарқлар таҳлил қилинганда сифат кўрсаткичи 1,15 баравар ошган. Ушбу кўрсаткич тадқиқотимизнинг самарали ташкил этилганидан далolat беради.

ХУЛОСА

XX аср бошларида Туркистонда таълим-тарбия тизимини шакллантиришнинг педагогик жиҳатлари бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишимиз натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

XX аср бошларида Туркистонда таълим тизими ҳолати, таълимни бошқариш ва мазмунини шакллантиришдаги бошқа миллат ва халқлардан устуворликка эришишга қаратилган ғоявий курашлар, таълим устуворлигидаги қарама-қарши ички ва ташқи тенденциялар билан бевосита боғлиқ эканлиги аниқлаштирилган;

Туркистонда таълим тизимининг ташкил этилиши тизимли-ташқилий этнопедагогик, компаративистик, антропологик, акмеологик мезонлар, ижтимоий-маданий ҳодисаларнинг диалектик табиий-тарихий оқибатлари, реал тарихий шароитларнинг ўзаро ҳаётий-витаген таъсири аниқлаштирилган;

XX аср бошларида Туркистонда таълим тизими моделининг мазмуни консерватив ва ҳур ғоялар кураши, педагогик фаолиятнинг менталлигини сақлаш учун эмоционал-қардрийтли ҳаракат, маҳаллий аҳоли саводхонлик даражасини ошириш борасидаги маҳаллий маърифатпарварларнинг ривожлантирувчи миллий қадриятларга хос педагогик саъйи ҳаракатлари аниқлаштирилган;

Туркистонда таълим тизими мазмуни даврнинг тарихий-хронологик шарт-шароитлари, маҳаллий халқлар таълим олиш имкониятларининг мажбурий қисқартирилиши, маҳаллий аҳоли онгига тобелик тарбиясининг сингдириб борилиши, аждодларимиз томонидан яратилган педагогик таълимотларни ҳаққоний ўрганишга имкон бермаганлиги аниқлаштирилган.

Талабаларнинг XX аср бошларида Туркистонда таълим-тарбия тизимини шакллантиришнинг педагогик жиҳатларини ўқитишнинг тузилмавий – ташкилий модели асосида билим даражаси ва сифатини оширишга эришилган.

Туркистонда XX аср бошларида олиб борилган таълим жараёнларининг бугунги кун давр ислохотлари ривожига историографиянинг ворисийлик, объективлик, амалий йўналтирилган тенденцияларига устуворлик бериш асосида шакллантирилган.

Туркистонда XX аср бошларида таълим тарбия тизимини шакллантиришнинг педагогик жиҳатлари янги миллий ўқитиш усуллари, амалий педагогик фаолиятнинг менталлигини таъминлаш орқали хорижий тажрибалардан мақсадли фойдаланишнинг индикатор кўрсаткичлари билан бевосита таққослаш асосида аниқлаштирилган.

Туркистонда таълим тарбия тизимини шакллантиришда таълим тизими ривожини ўрганиш жараёнларига оид матн билан ишлаш, қиёсий-тарихий, герменевтик таҳлил усуллари интерфаол ва инновацион технологиялар билан индетивлигини таъминлаш асосида ёритиб ўтилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АБДАЗИМОВ АЗИЗЖАН АБДУСАБИРОВИЧ

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ
ОБРАЗОВАНИЯ В ТУРКЕСТАНЕ В НАЧАЛЕ XX ВЕКА**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**



Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.3.PhD/Ped578.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) языках размещен на веб-странице по адресу (www.tdpu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyounet.uz

Научный руководитель:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Хакимова Мухаббат Файзиевна
доктор педагогических наук, профессор

Джураев Дусмурод Уралович
доктор педагогических наук, доцент

Ведущая организация:

Джизакский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «05» 03 2022 года в 8⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № 1479), (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86)

Автореферат диссертации разослан «22» 02 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 69 от 22 02 2022 года).



М.Э.Хайдаров
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.п.н.,
профессор

Р.Г.Исмаилов
Член секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, к.п.н.,
доцент

Н.А.Мусишимов
Член Научного семинара
при Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В системе образования развитых стран мира в образовательный процесс внедряются технологии изучения истории образования, в том числе организации и направлений деятельности народного образования Туркестана, показатели грамотности населения, его значения в развитии нации, государства и общества. В рамках обозначенных задач в Инчонской декларации ЮНЕСКО на период до 2030 года как “образование – главная движущая сила развития и важная деятельность, направленная на достижение Целей устойчивого развития”, проводится системная работа по реализации практических проектов, направленных на новый образовательный прогресс, сильные и инновационные действия и постоянное развитие системы образования.

В мировых образовательных и научно-исследовательских учреждениях проводятся научные исследования по системной организации и управлению, постоянному и устойчивому совершенствованию народного образования, подготовке конкурентоспособных кадров, экономическому развитию страны, воспитанию талантливых людей, способных объективно изучить свое прошлое и историю. Проводятся научные исследования по организации учебно-воспитательной работы в Туркестанском крае и изучению передовых педагогических идей восточных мыслителей и просветителей, направленных на обеспечение благосостояния народа, на основе объективного изучения истории педагогики, и педагогических идей, высказанных предками, а также по выявлению закономерностей педагогических аспектов формирования системы образования и воспитания в Туркестане в начале XX века.

В последние годы в нашей республике на основе идей восточных мыслителей создаются нормативно-правовые основы совершенствования системы образования, сохранения древних письменных источников, реформирования государственной молодежной политики. Приоритетными задачами определены “изучение наших ценностей, духовно-нравственного, философского и педагогического наследия, истории становления и развития народного образования из подлинных источников, обогащение на основе объективных данных масштабов теории и истории педагогики”². В результате исследований по истории педагогических учений создаются предпосылки для научного изучения таких вопросов, как педагогические условия в школах изучаемого периода, деятельность мударрисов, формы организации и управления образованием в медресе, соблюдение дидактических принципов, школы отцов и матерей, организация женского образования.

Постановления Президента Республики Узбекистан №УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, №ПП-2909 “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования” от 20 апреля 2017 года, №ПП-2995 “О мерах по

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” // Собрание законодательства Республики Узбекистан. - Т., 2017. №6

дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников” от 24 мая 2017 года, Указы Президента Республики Узбекистан №УП-6017 “О мерах по коренному реформированию и выводу на новый уровень государственной молодежной политики в Республике Узбекистан” от 30 июня 2017 года, №УП-5847 “Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года” от 8 октября 2019 года, № УП-6097 “Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года” от 29 октября 2020 года и данная диссертационная работа в определенной степени служит реализации задач, определенных в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Исследования в области освещения сути и содержания вопросов состояния образовательно-воспитательной работы в Туркестанском крае в начале проводили учёные У.Алеуов, Д.Джураев, А.Зуннунов, А.К.Мунавваров, А.Тожибоев, Н.Мустафаева, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Т.Утебаев, Б.Ходжаев, К.Хошимов, М.Курунов, М.Хакимова, Н.Эгамбердиева, Э.Юсупов, Ж.Хасанбоев, Н.Эркабоева.

Специфические аспекты развития социально-педагогической мысли в Туркестанском регионе освещены в исследованиях Д.Василева, Б.Ходжакулиевой, В.Соколова, М.Шушковой, М.Куделя-Одабашьян, О.Сумараковой, С.Граменицкого.

Ведущие тенденции в развитии гуманизма, диалога культур, педагогики реформаторов исследовались учёными, как Adeeb Khalid, Sh. Akiner, John F. Trow, Marianne Kamp, Sartori Paolo, Shoshana Keller, William Fierman.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательской работы высшего учебного заведения, в котором выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках прикладного проекта ПЗ-20170923121 “Развитие педагогической деятельности в образовательных учреждениях на основе педагогики сотрудничества” научно-исследовательских работ Ташкентского государственного педагогического университета (2017-2020 гг.).

Цель исследования: разработка рекомендаций по внедрению в систему образования педагогических аспектов формирования системы образования и воспитания в Туркестане в начале XX века.

Задачи исследования: анализ исторических аспектов социальных факторов, содержание образования и его управление в Туркестане в начале XX века;

определение системно-структурных этнопедагогических, акмеологических критериев организации системы образования в Туркестане в начале XX века;

определение содержания модели существующей системы образования в Туркестане в начале XX века, борьба консервативных и гуманистических идей в системе образования, менталитет педагогической деятельности;

определение на основе динамико-логического подхода сокращение образовательных возможностей местного населения и воспитание идеи подчинённости в сознании населения Туркестане в начале XX века.

Объектом исследования является педагогические аспекты процесса формирования системы образования в Туркестане XX века в качестве, экспериментальной работе приняли участие 372 респондентов-студентов Ташкентского государственного педагогического университета, Навоийского государственного педагогического института и Джизакского государственного педагогического института.

Предметом исследования является основные формы, методы и средства изучения педагогических аспектов формирования системы образования и воспитания в Туркестане в начале XX века.

